28 ФЕВ 1992

Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир!

ХАЛК СЎЗИ

خلق سوزی

ҲИЖРИЙ: ҚАМАРИЙ, 1412 ЙИЛ, ШАЪБОН, 24-КУН. ● ШАМСИЙ, 1370 ЙИЛ, ҲУТ, 10-КУН.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РЎЗНОМАСИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган — 1992 ЙИЛ 28 ФЕВРАЛЬ, ЖУМА, 43-СОН • 294 • — НАРХИ ОБУНАЧИГА 15 ТИЙИН, СОТУВДА 60 ТИЙИН.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо беш давлат бошлиқлари Хельсинкида.

(ЎзАХБОР фотохроникаси).

ХЕЛЬСИНКИ, 1992 ЙИЛ 26 ФЕВРАЛЬ

ХАЛҚАРО МИНБАРДА МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ИЛГАРИ хабар қилинганидек, Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишлаб 1975 йилда ўтказилган кенгашнинг якунловчи актини яна беш давлат имзолади. Беларусь, Молдова, Тожикистон, Ўзбекистон ва Украинанинг олий давлат раҳбарлари ўз мамлакатлари номидан шу тарихий ҳужжат остига имзо чекдилар.

Соат миллари 14.00 ни кўрсатиб турибди. 17 йил муқаддам Европа мамлакатлари, АҚШ ва Канада раҳбарлари якунловчи актни имзолаган «Финляндия» саройининг зали Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашда қатнашувчи мамлакатларнинг давлат байроқлари билан безатилган. Умумевропа жараёнида қатнашувчи давлатларнинг вакиллари, таниқли фин сиёсатчилари, жамоатчилик намояндалари ҳозир бўлдилар. Финляндия Республикасининг Президенти Мауно Койвисто минбарга чиқади.

(М. Койвистонинг нутқини рўзноманинг бугунги сонида ўқийсиз).

М. Койвисто Беларусь Олий Кенгашининг раиси Станислов Шушкевич, Молдова Президенти Мирча Снегур, Тожикистон Президенти Раҳмон Набиев, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Украина Президенти Леонид Кравчукни якунловчи актни имзолашга таклиф этади.

Тантанали маросим охирида МДҲдаги беш давлатнинг бошлиқлари нутқ сўзладилар.

(И. А. Каримов нутқи рўзноманинг бугунги сонида босилган).

* * *

Финляндия парламентининг биносида Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш якунловчи актини имзолаш учун бу ерга келган МДҲдаги беш мустақил давлат Президентлари биргаликда журналистлар билан суҳбатлашдилар. Суҳбатда Молдова Президенти Мирча Снегур, Украина Президенти Леонид Кравчук, Беларусь Олий Кенгашининг раиси Станислав Шушкевич, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Тожикистон Президенти Раҳмон Набиев қатнашдилар.

Ислом Каримов шуни изоҳлаб бердики, Ўзбекистон ҳозир вужудга келган мураккаб аҳволдан қутулишнинг ўз стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқди, бунинг учун Туркия тажрибасини намуна қилиб олди. Туркияда чуқур миллий хусусиятлар билан тараққийпарвар хусусиятлар уйғун равишда бир-бирига қўшилганлиги, дунёвий жамият қурилаётганлиги, унда ақидапарастлик ва дин тазйиқ ўтказмаётганлиги сабабли бу тажриба бизни қизиқтирмоқда, деди у. Ислом Каримов ҳам, Раҳмон Набиев ҳам ўз мамлакатларининг Эрон, Покистон ва шу минтақадаги бошқа давлатлар билан мустаҳкам дўстона алоқаларни ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш ниятида эканликларини билдирдилар.

Суҳбат пировардида Президентлар Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги қийинчиликлар ва ихтилофларни манфаатдор томонларнинг музокаралари йўли билан бартараф этиш мумкинлигига ишонишларини билдирдилар.

(РАТА—ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВНИНГ

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИГА АЪЗО БЎЛГАН БЕШ ДАВЛАТ БОШЛИҚЛАРИНИНГ ЕВРОПАДА ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК КЕНГАШИ ЯКУНЛОВЧИ АКТИНИ ИМЗОЛАШ ПАЙТИДА 1992 ЙИЛ 26 ФЕВРАЛДА

СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Муҳтарам Президент жаноблари!

Муҳтарам давлат бошлиқлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Бугун мустақил давлат Ўзбекистон Республикаси учун унутилмас кун. Биз Хельсинки якунловчи актини имзолаш билан ўз зиммаларига тинч одилона халқаро тартибни барпо этиш мажбуриятини олган давлатлар ҳамдўстлигига қўшилдик.

Жуғрофий жиҳатдан Осиё давлати бўлмиш Ўзбекистон Умумевропа жараёнига қўшилиш иродаси ва истагини тасдиқлаб турибди. Ўзбекистон бундай қадам қўйишининг боиси нима? Аввало шуки, Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришган биринчи кунлардан эътиборан ўзининг ҳамма эътироф қилган ва БМТ низомида, Хельсинки якунловчи актида ва Париж хартиясида лўнда ифодалаб берилган қоидаларга ва халқаро ҳуқуқ нормаларига содиқлигини эълон қилди. Умумевропа жараёнида ардоқлаб таомил тусига киритилаётган умумбашарий қадриятлар: инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, оз сонли миллатларни ҳимоя қилиш, миллати ва динидан, ижтимоий насл-насаби ва мавқеидан қатъий назар, давлатнинг ҳар бир фуқароси учун муносиб турмуш шароитларини яратиш талаблари бизга яқин ва тушунарлидир.

Барча соҳаларда — сиёсатда, иқтисодиётда, ижтимоий ва маданий турмушда ўзгартишлар ҳамда ислоҳотларни амалга ошираётган Ўзбекистонда Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашда қатнашувчи давлатлар амал қилаётган давлатлараро муносабатлар қоидалари: ҳозир мавжуд бўлган чегараларнинг тан олиниши ва даҳлсизлиги, мустаҳкам ва чинакам тинчлик учун шароит яратиш, халқаро ҳуқуққа риоя этиш соҳасида қабул этилган мажбуриятларни виждонан бажариш қоидалари ардоқли ва қадрлидир.

(Давоми учинчи бетда).

И. А. КАРИМОВ ТОШКЕНТГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

27 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Хельсинкидан Тошкентга қайтиб келди. У Финляндия пойтахтида Беларусь, Молдова, Тожикистон ва Украина раҳбарлари билан бирга Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш якунловчи актини имзолади.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Финляндияда бўлиши тўғрисидаги батафсил ҳисобот рўзноманинг келгуси сонида эълон қилинади.

ИШЧИ ГУРУҲИНИНГ КЕНГАШИ

27 февраль куни Тошкентда Туркиядан келаётган одамийлик ёрдами юкларини қабул қилишни ташкил этиш ва тақсимлаш республика комиссияси ҳузурида тузилган ишчи гуруҳининг кенгаши бўлди. Кенгашни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ишчи гуруҳи раҳбари Қ. Ж. Ҳаққулов бошқарди.

Кенгашда Туркиядан Ўзбекистонга келадиган одамийлик ёрдами ҳажми юз миллион доллар миқдорида бўлиши таъкидланди. Ёрдам юклари орасида дори-дармонлар, тиббий асбоб-ускуналар, озиқ-овқат ва айрим саноат моллари бор. Ишчи гуруҳи аъзолари — Тошкент шаҳар ҳокимияти, савдо, соғлиқни сақлаш, автомобиль транспорти вазирликларининг, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси раҳбарларининг одамийлик ёрдамини қабул қилиб олишни ташкил этиш хусусидаги ахборотлари тингланди. Туркиядан меҳр-мурувват юклари келиши билан алоқадор барча ишларни сифатли бажаришга қаратилган аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Ишчи гуруҳи кенгашида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Н. Возненко иштирок этди.

(ЎзАХБОР).

МУҲТАРАМ ДЎСТЛАР!

Вилоят ҳокими юксак лавозимига тайинланишингиз билан самимий қутлаймиз. Сизлар мустақиллик фарзандлари сифатида жонажон Ўзбекистонимиз равнақу ривожи йўлида ўчмас из қолдирасизлар, деган умиддамиз. Кучли матбуот кучли ҳокимият эканлигини яхши билганликларингиз учун журналистларни қадрлайсизлар, қувватлайсизлар, деб ишонамиз.

Соғлиқ, омад, бахт ёр бўлсин сизларга!

Камоли эҳтиром ва дуои салом ила:

«ХАЛҚ СЎЗИ» РЎЗНОМАСИ ТАҲРИРИЯТИ.

Азиз муштарий! Рўзноманинг 2-саҳифасида Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимларининг таржимаи ҳоллари билан танишасиз.

ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

● Собиқ Совет Иттифоқининг бошлиғи Михаил Горбачев билан унинг рафиқаси шу йилнинг июнь ойи бошларида Исроилга келадилар, деб ёзади «Едист Ахронот» рўзномаси. «Яҳудийларнинг Исроилга бориши учун эшикларни ва Шарқий Оврупо мамлакатлари учун дунё дарвозаларини очгани» туфайли унга Тель-Авив дорилфунунининг фахрий доктори унвони берилиши кутилмоқда. Ҳайфадаги технология институти Горбачевга «Яқин Шарқда сулҳ жараёнини илгари сургани учун» 35 минг доллар миқдорида пул мукофоти топширади. Бундан ташқари Горбачев Исроилда бўлган вақтида унга Бар-Илан дорилфунунининг фахрий доктори унвони берилишига ҳам яқинда рози эканлигини билдирган.

● **Германия Социал-демократик партиясидан бундестаг депутати Ханс Бюхлер ГФР ҳукуматидан мана шу ҳафта ичида Москвага Эрих Хонеккер соғлиғини текширувдан ўтказиш учун шифокорлар гуруҳини юборишни талаб этди. Унинг фикрига қараганда, «фақат рус врачларининг хулосалари кифоя эмас».**

● Звёздний шаҳарчасида журналистларга коинотга парвоз қилишга тайёргарлик кўраётган иккита халқаро экипаж таништирилди. Биринчи экипаж Александр Викторенко, Александр Калери ва ГФР фуқароси Клаус-Дитрих Фладедан иборат. Иккинчисига Анатолий Соловьёв, Сергей Авдеев ва ГФР фуқароси Райнхольд Эвальд киритилганлар. Парвоз Бойқўнғирдан 17 март куни амалга оширилиши режалаштирилган.

● **Тоғли Қорабоғдаги жанглар ҳар қачонгидан ҳам шиддатли тус олди ва у ердаги вазият янада кескинлашиб кетиши хавфи бор, деди Франциядаги ТФ-1 теледастурининг мухбири. У Франция инсонпарварлик фаолияти билан шуғулланувчи давлат котиби Бернар Кушнер ҳамроҳлигида шу минтақага бориб келган эди. Б. Кушнер, деб хабар қилди мухбир, Франциянинг Шуша—Степанакерт ўртасида одамийлик ёрдами етказиб бериш учун йўлак очиш тўғрисидаги ташаббусини амалга ошириш имкониятини ўз жойида ўрганиш мақсадида Тоғли Қорабоққа борган эди. Давлат вазири дори-дармон ва озиқ-овқатни Шушадан Степанакертга ердаги йўл орқали юбориб туриш ғоясига содиқлигини яна такрорлади, аммо бунинг учун одамийлик ёрдами юклари ортилган карвон ўтадиган жойларда ўзаро қурашувчи томонлар бетарафликка риоя этишларини шарт қилиб қўйди.**

● Канада ҳукумати мудофаа бюджетини яқин 5 йил мобайнида 2,2 миллиард доллар миқдорида камайтириш режасини ва ўз қуролли кучларининг барча жанговар бўлинмалари Оврўподан олиб кетилишини эълон қилди. Тежамкорлик дастури ҳарбий ҳаво кучларининг ГФРдаги иккита базасини 1994 йилгача ёпишни, Бермуд ороллaридаги радио коммуникация станциясини тугатишни, Квебек вилоятининг шимолида ҳарбий ҳаво кучларининг янги базасини қуришдан воз кечишни ўз ичига олади.

● **Ҳуқуқни ҳимоя қилувчи иккита халқаро ташкилот Ироқ шимолида Бағдод тузуми қурдларга қарши амалга оширган оммавий жабр-зулм изларини аниқлади. Бугун Қоҳирадаги «Ал Аҳром» рўзномасининг ёзишича, Америкадаги «Миддл ист уотч» ва «Инсон ҳуқуқлари учун курашувчи шифокорлар» гуруҳларининг вакиллари яқинда Ироқнинг шимолий районига қилинган сафар чоғида Эрон-Ироқ уруши даврида, шунингдек Қувайтни озод қилиш учун бўлган уруш тугаганидан кейин қурдлар кўтарган қўзғолон вақтида ироқлик қурдлар кўплаб дафн этилган жойлар билан танишганликларини билдирдилар. Ҳуқуқ ҳимоячилари далолат беришларича, неча ўн минглаб киши ўлдирилган. Ироқдаги қурдлар оппозициясининг раҳбарлари фикрига қарганда, кейинги йилларда марказий ҳукуматнинг ҳарбий ҳаракатлари натижасида 180 мингга яқин қурд ҳалок бўлган.**

● Оврўпо ҳамжамияти ҳомийлигида Югославияга бағишланган сулҳ конференцияси 9 мартдан кейин Брюсселда ўз ишини яна бошлайди. Конференция котибиятининг бу ерда тарқатилган ахборотида ана шундай дейилган. Раислик қилувчи — Буюк Британиянинг собиқ ташқи ишлар вазири лорд Каррингтон Сербия Президенти Слободан Милошевич билан музокара қилиш учун Белградга жўнаб кетади, дейилади ахборотда.

● **26 февралда Финляндия Президенти Оврўпода хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг якунловчи ҳужжатини имзолаш учун Хельсинкига келган МДҲ беш мустақил давлати бошлиқлари шарафига зиёфат берди. Зиёфатда Молдова Президенти Мирча Снегур, Украина Президенти Леонид Кравчук, Беларусь Олий Кенгашининг раиси Станислав Шушкевич, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Тожикистон Президенти Раҳмон Набиев ҳозир бўлдилар. Президент Мауно Койвисто янги мамлакатларнинг Оврўпо давлатлари доирасига кирганлигини табриклади.**

(Ахборот агентликлари ва хориж рўзномаларининг материалларидан сараланди).

МОВАРОУННАҲР МУСУЛМОНЛАРИ ОЛЛОҲГА ВА ХАЛҚҚА СОДИҚДИРЛАР

Чанг-ғубор, рутубат ювилсин, табиат поклансин учун Оллоҳ кеча кун бўйи ерга оби раҳмат ёғдирди. Бу тонгда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонларининг Тошкентдаги Санъат саройида ўтказилган бешинчи қурултойига тўпланганларнинг кўнглидаги ғуборларни аритди. Дарҳақиқат, қурултойга раислик қилувчи бирадарларимизнинг таъбирича, навбатдан ташқари бу анжуман арафасида кўпчиликнинг дили хуфтон, фитнаи фужурдан кўнглида шубҳаю гумон эрди.

Нурулло қорининг Қуръони шарифдан қилган тиловати шуурларга ёмғир янглиг инди. Ишнинг хайрли борищи учун уламо фотиҳа қилди.

Сўнгра ташкилий ҳайъат раиси Муҳаммадшариф Жуманов ахбороти тингланди. У анжуманга тайёргарлик босқичидаги тадбирларни бирма бир санаб ўтди.

Шундан кейин Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари қурултойи иштирокчиларига табрик шошилинчномасини давлат маслаҳатчиси Б. Назаров ўқиб эшиттирди.

Қурултой делегатлари ва қатнашчилари муфти Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг ҳисоботини ҳамда тафтишот комиссиясининг молиявий маърузасини тингладилар. Шундагина тўпланганлар диний бошқарма раҳбарияти шаънига билдирилаётган турли ножўя гапларнинг ўринсизлигини англадилар. Англадиларгина эмас, муфтий раҳбарлигида икки ярим йил мобайнида дин ривожи йўлида жуда катта ишлар қилинганлигининг гувоҳи ҳам бўлишди.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси раислигига сайлов бўлиб ўтди. Ягона номзод — Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф бир овоздан бошқарма раиси қилиб сайланди.

Ўрта Осиё мусулмонларининг V қурултойи 27 февраль куни ўз ишини давом эттирди. У одатдагидек, Қуръон оятини ўқиш билан бошланди. Қурултойда қандай ва нима ҳақида гап бўлганлиги жумҳуриятимиз аҳли мўминларини қизиқтириши табиий. Шукрки, бугал уларни хурсанд қиладиган гап ва амаллар содир бўлди.

(Давоми 3-бетда).

Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонларининг қурултойида. Минбарда муфти Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф.

ҲОКИМЛАР ТАЙИНЛАНДИЛАР

ХАЛҚ УЛАРГА ИШОНАДИ, УМИД БОҒЛАЙДИ ВА ТАЛАБ ҚЎЯДИ

Адҳамбек Иброҳимович ФОЗИЛБЕКОВ

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

1940 йилда Тошкентда туғилган. Узбек. Халқ демократик партияси аъзоси. Тошкент политехника институтини битирган. Техника фанлари номзоди. Давлат нишонлари билан мукофотланган. Республика халқ депутати.

Меҳнат фаолияти бошланиши «Миконд» заводи билан боғлиқ: корхонада уста, цех бошлиғи, бош технолог муовини, тарҳиёт-технология бюроси бошлиғи бўлиб ишлади. Завод партия комитети котиби, Собир Раҳимов район партия комитетининг биринчи котиби бўлди. Партия Марказий Комитетига ишга ўтди. Узбекистон ССР Министрлар Советининг СССР Министрлар Совети ҳузуридаги доимий вакили, республика Халқ назорати комитети раисининг биринчи ўринбосари, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи котиби лавозимларида ишлади. Кейинги вақтда халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг раиси эди.

Қаюм ХОЛМИРЗАЕВ

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ



1943 йилда Андижон вилоятининг Жалолқудуқ районида туғилган. Узбек. Халқ демократик партиясининг аъзоси. Тошкент қишлоқ хўжалиги институтини битирган. Давлат нишони билан тақдирланган. Республика халқ депутати.

Меҳнат фаолиятини комсомол ишидан бошлади. Оржоникидзе район қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи лавозимидан партия маҳкамаларига ўтиб ишлади. Шу райондаги «Қибрай» совхоз-заводига раҳбарлик қилди. Ғалаба район партия комитетининг биринчи котиблигига сайланди. Андижон вилоят партия комитетининг котиби, биринчи котиби лавозимларида бўлди. Кейинги пайтларда халқ депутатлари Андижон вилоят кенгашининг раиси эди.

Дамир Солиҳович ЁДГОРОВ

БУХОРО ВИЛОЯТИ

1937 йилда Бухоро вилояти Шофиркон районидаги Шўробод қишлоғида туғилган. Узбек. Халқ демократик партиясининг аъзоси. Тошкент қишлоқ хўжалиги институтини битирган. Давлат нишонлари билан мукофотланган.

Ўқишни тугатиб комсомол, партия маҳкамаларида, сўнг яна комсомолда ишлади. Бухоро вилоят партия комитети котиблигидан кейин «Главсредазирсовхозстрой» бошлиғининг ўринбосари, «Қарақалпақирсовхозстрой» бошқармаси бошлиғи лавозимларида бўлди. 1985 йилдан 1988 йилгача Қорақалпоғистон Министрлар Советининг раиси эди. Кейинги йилларда Бухоро вилоят партия комитетининг биринчи котиби, халқ депутатлари вилоят кенгашининг раиси вазифаларида фаолият кўрсатди.

Эркин ТУРСУНОВ

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

1941 йилда Қозоғистонининг Чимкент вилояти Сариғоч қишлоғида туғилган. Узбек. Халқ демократик партиясининг аъзоси. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини ҳамда Олий партия мактабини битирган. Давлат нишонлари билан мукофотланган. Республикада хизмат кўрсатган мироб.

Меҳнат фаолиятини Шредер номли илмий-тадқиқот институтида бошлаган. Узоқ муддат Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида ишлади. Хорижий мамлакатларда қурилиш ишлари олиб борувчи бошқарма бош мутахассиси, вазирликнинг ускуналар ва қурилиш механизмлари бошқармаси бошлиғи, «Главсредазирсовхозстрой» бошлиғининг биринчи ўринбосари ва бошлиғи лавозимларида фаолият кўрсатди.

Партия маҳкамаларида хизмат қилди. Узбекистон ҳукуматининг СССР Министрлар Совети қошидаги доимий вакили бўлди. Сув хўжалиги қурилиши давлат комитетининг раиси лавозимида ишлади. Жиззах вилоят партия комитетининг биринчи котиби, халқ депутатлари вилоят кенгашининг раиси вазифаларида бўлди.

Бургутали РАПИҒАЛИЕВ

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

1935 йилда Наманган вилоятининг Поп районидаги Ҳожиобод қишлоғида туғилган. Узбек. Халқ демократик партиясининг аъзоси. Тошкент молия-иқтисод институтини битирган. Давлат нишонлари билан тақдирланган.

Меҳнат фаолиятини Поп район молия бўлими катта назоратчилигидан бошлади. 1961 йилдан 1972 йилгача партия маҳкамаларида ишлади. Сўнгра Наманган вилоят маҳаллий саноат бошқармаси бошлиғи, хўжалик ҳисобидаги мева-сабзавот маҳсулотлари Наманган деҳқончилик-саноат бирлашмасининг бош директори, мева-сабзавот саноати вилоят бирлашмаси раиси, Поп район партия комитети биринчи котиби лавозимларида бўлди. Кейинги вақтда халқ депутатлари Поп район кенгаши раиси эди.

Абдухолиқ Абдураҳмонович АЙДАРҚУЛОВ

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

1942 йилда Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ районидаги Ғазалкент шаҳрида туғилган. Қозоқ. Халқ демократик партиясининг аъзоси. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳамда Ижтимоий фанлар академиясини битирган. Давлат нишонлари билан мукофотланган. Республика халқ депутати.

Меҳнат фаолиятини Жданов номли жамоа хўжалиги устахонаси мудирлигидан бошлади. «Узсельхозтехника» Бўстонлиқ район бирлашмасида муҳандис-технолог, бош муҳандис, бошқарувчи бўлди. Халқ депутатлари район кенгаши ижрокоми раиси, район партия комитетининг биринчи котиби, Навоий вилояти партия комитети котиби, халқ депутатлари Навоий вилоят кенгаши ижрокомининг раиси бўлди. 1988 йилда халқ депутатлари Сирдарё вилоят кенгаши ижрокоми раиси, сўнгра вилоят партия комитетининг биринчи котиби, халқ депутатлари вилоят кенгаши раиси лавозимларида ишлади.

Пўлат Мажидович АБДУРАҲМОНОВ

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

1940 йилда Самарқандда туғилган. Узбек. Халқ демократик партияси аъзоси. Харьков автомобиль ва тош йўллар институти ҳамда Ижтимоий фанлар академиясида таҳсил кўрган. Иқтисод фанлари номзоди. Давлат нишонлари соҳиби. Республика халқ депутати.

Пахта заводида электр монтёри, автомобиль трестида муҳандис, автобус-таксимотор паркида бош механик, Пайариқ район автокорхонасида директор, Самарқанддаги автомобилларни таъмирлаш 3-заводида бош муҳандис ва директор бўлиб ишлади. Кейин партия ишига ўтди: вилоят партия комитети йўриқчиси, бўлим мудири, котиби бўлди. Узкомпартия Марказий Комитетининг транспорт ва алоқа бўлимини бошқарди. Халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгаши ижрокоми раиси, республика Министрлар Советида раис муовини, Самарқанд вилоят партия комитетининг биринчи котиби вазифаларида бўлди. Кейинги пайтда халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгашининг раиси эди.

Ботир МАҲМУДОВ

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

1941 йилда Тошкент вилоятининг Янгийўл районидаги Чиноз қишлоғида туғилган. Узбек. Халқ демократик партиясининг аъзоси. Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти ва Олий партия мактабини битирган, Давлат нишонлари соҳиби. Республика халқ депутати.

Институтни битиргач, Ховос локомотив депосида уста ёрдамчиси, уста, катта уста бўлиб ишлади. Янгиер район комсомол комитетининг биринчи котиби, Сирдарё вилоят партия комитети саноат-транспорт бўлими йўриқчиси, партиявий-ташкилий ишлар бўлими мудирининг ўринбосари, Ғулистон шаҳар партия комитетининг биринчи котиби, Сирдарё вилоят партия комитетининг котиби, сўнгра вилоят халқ назорати комитетининг раиси вазифаларида фаолият кўрсатди. 1990 йилдан буён халқ депутатлари Сирдарё вилоят кенгаши ижроия комитетининг раиси эди.

Ҳаким Эшбоевич БЕРДИЕВ

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

1938 йилда Сурхондарё вилоятининг Шеробод районидаги Тўпор қишлоғида туғилган. Узбек. Халқ демократик партияси аъзоси. Ўрта Осиё Политехника институти ва Олий партия мактабида таҳсил олган. Давлат нишонлари билан тақдирланган. Республика халқ депутати.

Меҳнат фаолиятини жамоа хўжалиги бош муҳандислигидан бошлади. Шеробод район қишлоқ хўжалик бошқармасида бош муҳандис, «Узсельхозтехника» вилоят бирлашмасида бошлиқ ўринбосари, бошлиқ бўлиб ишлади. Бир муддат партия маҳкамаларида фаолият кўрсатгач яна хўжалик ишига қайтиб, вилоят қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғи бўлди. 1987 йилда халқ депутатлари вилоят кенгаши ижрокоми раислигига, сўнгра вилоят партия комитетининг биринчи котиблигига сайланди. Кейинги вақтда халқ депутатлари вилоят кенгашининг раиси эди.

Сайфулла Давирович САЙДАЛИЕВ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

1934 йилда Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ районидаги Хондайлиқ қишлоғида туғилган. Узбек. Халқ демократик партияси аъзоси. Тошкент педагогика ва қишлоқ хўжалиги институтларини ҳамда Олий партия мактабини битирган. Давлат нишонлари билан мукофотланган. Республика халқ депутати.

Аввал ўзбек тили ва адабиёти фанидан ўқитувчилик қилди. Сўнгра комсомол ва партия маҳкамаларида — Янгийўл район партия комитетининг котиби, Пискент, Оржоникидзе район партия комитетларининг биринчи котиби, Тошкент вилоят партия комитетининг котиби бўлиб ишлади. 1990 йилдан халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгаши ижрокомининг раиси, кейинчалик вилоят партия комитетининг биринчи котиби, халқ депутатлари вилоят кенгашининг раиси эди.

Ғулом ФОЗИЛОВ

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

1936 йилда Андижонда туғилган. Узбек. Халқ демократик партияси аъзоси. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳамда Тошкент Олий партия мактабини битирган. Давлат нишонлари соҳиби. Республика халқ депутати.

Узоқ йиллар муҳандислик қилди. Комсомол ишида бўлди. Сўнгра яна ўз мутахассислиги бўйича ишга қайтди. Партия маҳкамаларида бироз ишлагач, Фарғона сув қурилиши трести бошқарувчиси, «Сохгидрострой» бошқармаси бошлиғи, «Ферганастрой» бирлашмасида бошлиқ бўлди. Кейин эса вилоят партия комитети биринчи котиби, халқ депутатлари вилоят кенгашининг раиси лавозимларида эди.

Маркс ЖУМАНИЁЗОВ

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

1938 йилда Хоразм вилоятининг Янгибозор районидаги Оёқдўрмон қишлоғида туғилган. Узбек. Халқ демократик партияси аъзоси. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳамда Тошкент Олий партия мактабини битирган. Давлат нишонлари билан тақдирланган.

Меҳнат фаолиятини Урганч тракторларни таъмирлаш станциясида пункт мудирлигидан бошлади. Узоқ муддат хўжалик ишлари билан шуғулланди. Давлат техника назорати муҳандиси, «Узсельхозтехника» район бирлашмаси бошқарувчиси, «Хоразмсовхозводстрой» трести бошқарувчиси бўлди. Сўнгра партия, совет ишларига ўтди. 1990 йилдан эътиборан «Агроснабремонт» вилоят бирлашмаси раиси эди. Кейинчалик вилоят деҳқончилик-саноат бирлашмаси раисининг ўринбосари лавозимида ишлади.

Темир Пўлатович ХИДИРОВ

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

1945 йилда Қашқадарё вилояти Қарши районидаги Ғунчон қишлоғида туғилган. Узбек. Халқ демократик партияси аъзоси. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳамда Тошкент Олий партия мактабини битирган. Давлат нишонлари билан тақдирланган. Республика халқ депутати.

Сув хўжалиги қурилишларида ишлаб тажриба орттирди. Каршидаги Эски Ангор канали қурилиши трести механизациялашган кўчма колоннасига бошлиқ этиб тайинланди. Сўнгра вилоят партия комитетида, Марказкомда ишлади. Халқ депутатлари Қарши район кенгаши ижрокоми раислиги, район партия комитети биринчи котиблиги, вилоят партия комитети котиблиги, халқ депутатлари вилоят ижроия комитети раислиги ҳамда вилоят партия комитети биринчи котиблигига сайланди. Кейинги вақтда халқ депутатлари вилоят кенгаши раиси эди.

• *Луқма*

ИЛК ҚАДАМЛАР ЎТА МАХФИЙ

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА ШУНДАЙ ЙЎЛ ТУТИШ КЕРАК, ДЕБ ҲИСОБЛАШАЯПТИ.

Бош муҳарриردан топшириқ олдим. Жўнгина, борйўғи бир соатда уддалаб қўйса бўлади: жонажон Ўзбекистонимизнинг мустақиллигини қайси давлатлар тан олишганини билиш ва халққа етказиш. Ўз-ўзидан равшанки, бунинг учун Ташқи ишлар вазирлигига боришим керак эди. Қизиқувчан журналистни бу ҳақда ватандош-дипломатларимиздан бўлак ким ҳам хабардор эта олади?

Аввал бошдан айтиб қўймоқчиман: мен ёш давлатимизнинг мустақиллигини эътироф этган мамлакатлар рўйхатини кўришга муваффақ бўлдим. Аниқроғи — анча узоқдан кўз ташладим, холос. Уни ўқиб чиқиш, кўчириб ёзиш у ёқда турсин, ҳатто қўлимга олишга ҳам рухсат этишмади. Сабабини оддийгина қилиб тушунтиришди: бундай маълумотлар ғоят муҳим давлат сири ҳисобланаркан. Улар қалин пўлат сандиқда сақланаётганини тушундим.

Миллий давлат манфаатлари муқаддас сақланаётган муқаддас даргоҳга кириб қолгандим. Мен — бандаи ожиз — республикамизнинг мустақил, эркин давлат сифатида жаҳон майдонига чиқаётгани, ер юзидаги ҳар қандай мамлакат билан тенг ҳуқуқли асосларда муносабатлар ўрнатаётгани ҳар бир ўзбекистонлик учун ифтихор, қувонч ва бахт, деб ўйлабман (ҳозир ҳам шу фикрда қатъий турибман). Бироқ Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги давлат протоколи бўлими бошлиғининг ўринбосари Бакир Уркинбоев мени Гоголь кўчасидаги ҳашаматли бино ичида кузатиб юрар экан, бизнинг мустақиллигимизни эътироф этган ҳамма давлатлар ҳақидаги тўлиқ маълумотлар, «бомба»нинг ўзи деб тушунтирди. Кейин у сермаъно сукут сақлади, ниҳоят, чинакам даврий аҳамиятга молик баёнот берди, бу «бомба» жуда катта вайронагарчилик келтирадиган кучга эга эканлигига ишора қилди. Республика Ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Тўлқин Ойхўжаев масалага узил-кесил нуқта қўйди. Б. Уркинбоев унинг ҳузурига маслаҳатлашиш учун кириб чиқди. Мен бу «катта кенгаш»да қатнашганим йўқ, лекин беҳосдан очилиб қолган эшик бўлиб ўтган гап-сўз моҳиятини тушуниб олишимга имкон берди. Афтидан, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши рўзномаси мухбирининг хизмат вазифалари юқори мартабали дипломатни анчамунча саросимага солиб қўйган кўринарди. Вазир ўринбосарининг фикри қатъий эди: рўзномага ҳеч қандай рўйхат берилмасин, Президент девонидаги аниқ шахс «фатво»си олинмагунча жим турилсин, кутилсин!

Енгиб бўлмас тўраларча қўрқоқлик, эҳтиёткорлик ва ҳадик чатишиб кетадиган бундай ҳолатларга биринчи ёки охирги марта дуч келаётганим йўқ. Муҳтарам дипломатлар! Агар республика аҳолиси Ўзбекистоннинг мустақиллигини қайси давлатлар тан олишганини билгудай бўлса (бундай маълумот рўзнома саҳифасида босилгач, тарих учун қоларди-ку), бунинг нимаси ёмон? Агар деҳқон, ишчи, муҳандис, олим республикамиз муваффақиятлари билан ҳақли равишда қувонса, жаҳон миқёсида Ўзбекистоннинг обрў-эътибори ўсаётгани ва мустаҳкамланаётганини билса, нима қилибди? Бизнинг хорижий мамлакатлар билан доимий расмий алоқаларимиз ўрнатилаётганидан, ўзбек халқининг тазйиқлардан холи давлат мустақиллиги ҳақидаги асрий орзуси чиндан рўёбга чиқаётганидан хабардор бўлса-чи? Ўйлайманки, бу ерда ҳеч қандай «бомба» ҳам, сир ҳам йўқ. Ортиқча сансалорлик ва ўринсиз кибр-ҳаво бор, холос. Афсус билан айтиш керакки, бизнинг ёш ўзбек дипломатиямиз ўзининг илк қадамларини коммунистча «темир парда» услубига мосламоқда, халқ ўз давлатида нималар бўлаётганини билиши мутлақо шарт эмас деб ҳисоблаяпти.

Пировардида Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонунининг 20-моддасидан кўчирма келтирмоқчиман: «Давлат идоралари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар оммавий ахборот воситаларига мавжуд маълумотларни тақдим этадилар ҳамда ҳужжатлар билан танишиш имкониятини яратиб берадилар».

«Народное слово» рўзномаси бу нохуш воқеа қандай тугашини диққат билан кузатиб боради ва нима қилиб бўлса ҳам республикамиз мустақиллигини тан олган мамлакатлар рўйхатини босиб чиқаради.

А. АРТЕМЕНКО,
«Народное слово»нинг махсус мухбири.

(«Народное слово» рўзномасининг 27 февраль сонидан).

И. А. Каримов нутқи

(Боши биринчи бетда).

Ўзбекистон Умумевропа жараёнига қўшилар экан, ўзининг ядросиз дунёга содиқлигини билдиради ва давлатлараро муносабатларда халқаро муаммоларни ҳал этишда куч ишлатиш билан дўқ қилиш ва ҳар қандай зўравонлик усуллари ўзаро истисно этилишини кутади. Бу масалаларнинг ҳаммаси фақат сиёсий, келишув усуллари ва воситалари билан ҳал этилади.

Ўзбекистон Республикасининг ички сиёсатига келганда, мен халқ ва ҳукумат номидан: ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш йўлида ички бунёдкорлик вазифаларини рўёбга чиқаришнинг асосий кафолоти бўлмиш фуқаролар ва миллатлараро иноқликни, фикр, виждон, дин ва эътиқод эркинлигини сақлаб қоламиз ва ҳар томонлама мустаҳкамлаймиз, деб айтаман ва бунга қатъий кафолот бераман.

Ўзбекистонда яшаб турган юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари ҳозирги ва келажак авлодларнинг тақдири учун хотиржам бўлаверишлари мумкин. Фақат бир мафкуранинг ҳукмронлигидан воз кечиш бозор иқтисодиётига ўтиш, ишбилармонлик эркинлиги, барча шаклдаги мулкчилик тенглиги, аҳолининг энг ночор табақалари ижтимоий ҳимояланишининг давлат томонидан таъминланиши, ҳар бир фуқаронинг тарихи, миллий анъаналари, тили ва маданияти, ҳуқуқ ва эркинликлари кафолотланиши ҳамда ҳурмат қилиниши, халқаро ҳамжамиятга пешвоз чиқилиши — мана шуларнинг ҳаммаси Ўзбекистоннинг ҳозирги, яқин вақт ичидаги истиқболи ва келажагидир.

Бизнинг муддаоларимиз дунёда муносиб равишда тушунилиб, қўллаб-қувватланаётгани учун миннатдормиз. Ўзбекистоннинг мустақиллигини юздан ортиқ давлат тан олди, эрта-индин уни БМТ аъзолигига қабул этиш жараёни якунланишига оз қолди. Республика бир қанча халқаро ва давлатлараро ташкилотларга кирди ва кириш тараддудини кўрмоқда. Унинг қўшни мамлакатлар билангина эмас, Ўзбекистон билан ҳар томонлама алоқа ўрнатишни истовчи барча давлатлар билан дипломатия ва сиёсат соҳасидаги муносабатлари, тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорлиги ривожланиб бормоқда.

Биз Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашига расмий равишда қўшилар эканмиз, давлатлар ва халқлар олдида ўз зиммамизга олаётган юксак масъулиятимизни англаб турибмиз.

Ўзбекистон ҳамкорларимиз билан ўзаро олинган мажбуриятлар ва битимларга риоя этиб, Умумевропа жараёнининг қоидалари ва моҳияти бундан буён ҳам жўғрофий-сиёсий жиҳатдан кенгайиб бориши учун имкони бўлган ҳамма ишни қилади. Инсониятнинг жаҳон халқлари оиласи ҳар бир аъзосининг ҳуқуқларини ҳурмат қилишга асосланган зўравонликсиз, уйғун жаҳоншумул тартибга ўтиши муаммоларини ҳал этишга ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшамиз.

МОВАРОУННАҲР МУСУЛМОНЛАРИ ОЛЛОҲГА ВА ХАЛҚҚА СОДИҚДИРЛАР

(Боши биринчи бетда).

Қурултой кун тартибида қайд этилганидек, диний идора низомномаси тасдиқланаётган пайтда жалосат раиси, Тожикистон Жумҳурияти мусулмонларининг қозиси ҳожи Акбар Тўражонзода диний бошқарма номини ўзгартириш кераклиги ҳақида гапириб, у бундан буён Мовароуннаҳр мусулмонлари диний раёсати деб номлансин, деган таклифни киритди. Таклиф бир овоздан маъқулланди. Кейин ҳожи Эмин Усмон бир гуруҳ мусулмон зиёлилари номидан сўз олиб диний бошқарма билан ёзувчи, шоир, журналист ва таржимонлардан иборат мусулмон зиёлилари ўртасида робита ўрнатилса, ҳам дин, ҳам жамият ривожи йўлида катта ҳаракат бошланиши ва бу фақат фойдадан ҳоли бўлмаслиги ҳақида гапирди.

Қурултойга вакил бўлиб келган бир қанча маҳалла қўмиталарининг вакиллари диний идора билан ҳамкорлик қилиш ниятлари бор эканлигини зикр этдилар.

Тожикистон Жумҳуриятидаги Ислом уйғониш партиясининг раҳбари Муҳаммад Шариф Ҳикматзода сўз олиб, келажак режа ва дастури, ислом партияларнинг жамият ривожидаги ўрни ҳақида мушоҳада юритди.

Бир қанча фикр ва мулоҳазалардан сўнг Мовароуннаҳр мусулмонлари диний раёсатининг раиси, муфти Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф сўз олди. Муфтийнинг берган хабарига кўра, Қирғизистон Жумҳурияти Президенти Асқар Ақаевнинг фармонига биноан яқинда Қирғизистон радиосида азон айтиш, мактаб ўқувчиларига иймон дарси ўқитиш жорий этилган. Агар бизда ҳам шундай қилинса, фойдадан ҳоли бўлмасди. Таълимни кескин ислоҳ қилиш фурсати етди. Айниқса қиз ва ўғил болаларни алоҳида ўқитиш, мактаб ўқувчилари киядиган кийимни ўзгартириш ҳақидаги ва бошқа фикру режалар қурултой вакиллари томонидан якдиллик билан маъқулланди.

Яширмаслик керак, улар ҳам Оллоҳнинг сизу биздай бандаси бўлгани учунми, уламолар ўртасида ихтилофлар борлиги сезилиб қолди. Вакилларнинг айтишларича, қурултой ишининг биринчи кунидаги сайлов ноқонуний ўтганлиги ҳақида эртаси куни Абдурашид қори хабар тарқатган. Зотнинг иқрорича, муфтини Тошкент вилоят ёки шаҳар масжид вакиллари эмас, қўшни жумҳурият вакиллари сайлашган эмиш. Аниқ далилларга кўра бу айблов бўҳтон бўлиб чиқди. Чунки Тошкент шаҳри масжидларидан 41 вакил қатнашиши лозим бўлса, 30 вакил, Тошкент вилоятидан эса 36 вакил ўрнига 28 вакил иштирок этган.

Қурултой давомида барча мусулмонлар вақтни ғанимат билиб, ният, истак ва таклифларини баён этдилар.

Мазкур машваратда қўшни жумҳурият ва чет эл давлатлари вакиллари ҳам фаол қатнашдилар. Улар бир неча бор чиқиш қилишиб, Мовароуннаҳр мусулмонлари ўртасидаги мавжуд ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ҳақида фикр юритдилар.

Аср номозидан кейин уламолар билан мухбирларнинг матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

Шу билан қурултой ўз ишини якунлади.

Эсиргап БОЛИ,
Исмат ХУДОЕР,
«Халқ сўзи» мухбирлари.

ФИНЛЯНДИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ МАУНО КОЙВИСТОНИНГ

1992 ЙИЛ 26 ФЕВРАЛЬ КУНИ МДҲГА АЪЗО БЎЛГАН БЕШ ДАВЛАТ БОШЛИҚЛАРИ ЕВРОПАДА ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИККА БАҒИШЛАБ ЎТКАЗИЛГАН КЕНГАШ ЯКУНЛОВЧИ АКТИНИ ИМЗОЛАШИ ВАҚТИДА

СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Муҳтарам давлат бошлиқлари,

Ташқи ишлар министрлари ва элчилар,

хонимлар ва жаноблар!

«Финляндия» саройида мана шу алоҳида маросимда сизларни зўр қувонч билан табриклайман. Бир неча дақиқадан сўнг Беларусь, Молдова, Тожикистон, Ўзбекистон ва Украинанинг олий вакилларини ўз мамлакатлари номидан 1975 йилги Хельсинки якунловчи актини имзолашга таклиф этаман. Тайёргарлик даври қисқа бўлишига қарамай, кўпгина янги иштирокчи давлатларнинг олий вакиллари шу маросимга етиб кела олганликларига катта аҳамият берамиз. Биз Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашда қатнашувчи давлатларга яна бир имконият — олий даражада июль ойининг бошларида бўладиган Хельсинки учрашувидан аввал якунловчи актни имзолаш имкониятини ҳам бермоқчимиз.

Бизнинг назаримизда, бу тантанали маросим рамзий аҳамиятгагина эга эмас, ҳозир Европа чуқур ўзгаришлар даврини бошидан кечирмоқда. Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашда қатнашувчи мамлакатлар ўртасидаги сиёсий ва мафкуравий нифоқлар даври ўрнига муштарак қадриятлар даври, айниқса демократия, инсон ҳуқуқлари ва ҳуқуқий давлат қадриятлари даври келди. Кенгашда қатнашган ва энди қатнашадиган барча давлатлар шу қадриятларга риоя этиш мажбуриятини олдилар. Кенгашнинг олий мақсадлари кейинги йиллардаги ўзгаришларда ўз кучини кўрсатди. Бу эса унда қатнашувчи давлатлар ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришнинг мустаҳкам пойдеворидир.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш жараёнида хилма-хиллик ва сабр-тоқат ҳамиша фойдали омиллар бўлиб келди. Биз муштарак қадриятларимизнинг аҳамиятини ва муштарак меъёрларга содиқлигимизни таъкидлар эканмиз, улар ўртасидаги тафовутларни ва бирбиримизнинг маданиятимиз хусусиятларини ҳурмат қилишни ўргандик.

Шу сабабли Совет Иттифоқидан пайдо бўлган давлатлар янги мустақил давлатлар сифатида Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг якунловчи акти ва бошқа ҳужжатлари қоидаларига риоя этиш мажбуриятини олиш истагини дарҳол билдирганликларини астойдил табрикласа бўлади.

Муҳтарам давлат бошлиқлари, ташқи ишлар вазирлари ва элчилар, хонимлар ва жаноблар!

Беларусь, Молдова, Тожикистон, Ўзбекистон ва Украинани Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашда қатнашувчи мамлакатлар ҳамжамиятига аъзо бўлганликлари билан самимий қутлайман. Энди уларнинг олий вакилларидан Хельсинки якунловчи актини имзолашларини илтимос қилишни ўзимга шараф деб биламан.

ФИНЛЯНДИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ МАУНО КОЙВИСТОНИНГ

1992 ЙИЛ 26 ФЕВРАЛЬ КУНИ ПРЕЗИДЕНТ САРОЙИДА МДҲГА АЪЗО БЎЛГАН БЕШ ДАВЛАТ БОШЛИҚЛАРИ ШАРАФИГА ЎТКАЗИЛГАН ҚАБУЛ МАРОСИМИДА

СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Муҳтарам давлат бошлиқлари, хонимлар ва жаноблар!

Мен сизларни, янги мустақил давлатларнинг олий вакилларини қувонч билан табриклашдан мамнунман. Сизларнинг давлат мустақиллигингиз ҳали ёш бўлса ҳам, аммо халқларингизнинг асрий, тарихий анъаналари бор, шу анъаналар негизида келажак барпо этилади. Биз сизларнинг Европа давлатлари оиласига қўшилганингиз билан самимий муборакбод қиламиз. Бугун тушдан кейин Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг пойтахтимиз — Хельсинки номи билан юритиладиган якунловчи актини имзолаганингиз бунинг рамзидир.

Финляндия эса сизларни вакил қилиб юборган мамлакатлар ҳам Европа ҳамкорлигига, ҳам кенгроқ халқаро ҳамкорликка имкони борича тезроқ қўшила олишлари учун ва сизлар ўз мамлакатингизни ривожлантиришга куч-ғайрат сарфлаганингизда халқаро ҳамжамият таклиф этиши мумкин бўлган мададни олишингиз учун кўмаклашишга тайёр.

Сизлар мустақиллик олганингиздан кейин тез орада Европала хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашга қўшилишга ҳамда Хельсинки ва Париж якунловчи ҳужжатларини имзолашга тайёрлик изҳор этганингизга катта аҳамият бераяпмиз. Буни биз йигирма йилча муқаддам Хельсинкида бошланган муваффақиятли ҳамкорлик жараёни мобайнида Европа давлатлари келишиб олган ҳамма қоидалар ва қарорларга риоя этишга азму қарор берганингизнинг исботи деб биламиз.

Финляндия собиқ Совет Иттифоқи ҳудудида вужудга келган барча давлатлар билан мустаҳкам икки томонлама алоқалар ҳам ўрнатишга тайёр эканини билдирди. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг халқлари билан турли соҳаларда ҳамкорлик қилиш соҳасида бизнинг ижобий тажрибамиз бор. Ўзаро алоқаларимиз янада мустаҳкамланишидан умидвормиз.

Делегацияларингизни и н г Хельсинкига келиши икки томонлама дипломатия ва бошқа алоқалар ҳақида ҳам музокара жараёнини очиш имконини беради.

Бизнинг Совет Иттифоқи билан одат тусига кириб қолган кенг миқёсдаги ва ўзаро манфаатли савдо-сотиғимиз кейинги йилларда совет иқтисодий тизимидаги катта ўзгаришлар натижасида жуда қийин аҳволга тушиб қолди. Бу эса бизни ҳамкорлигимизни мутлақо янги негизда қайта кўриб чиқишга мажбур этди, ўтган йил охирларида Совет Иттифоқи барбод бўлганлиги ҳам бунга кўмаклашди.

Аминмизки, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг барча аъзолари билан кенг миқёсда, кўп қиррали иқтисодий ҳамкорлик қилиш учун яхши имкониятларимиз бор. Сизларнинг ресурсларингиз бизга маълум. Биз ўз томонимиздан савдо-сотиқ, саноат ҳамкорлиги, илм-фан ва технология соҳаларида кўп нарсаларни таклиф қила оламиз.

Маданият ва саёҳатчилик соҳасида ҳам ҳамкорлик учун янги истиқболлар очилаётганига ишонаман.

Муҳтарам давлат бошлиқлари!

Давлатларингиз Умумевропа жараёнига қўшилганидан ва икки томонлама ҳамкорлигимизни ривожлантириш истиқболларидан мамнунман, Беларусь, Молдова, Тожикистон, Ўзбекистон ва Украинанинг мустақиллиги учун, улар халқларининг муваффақиятлари учун, сизларнинг, шахсий муваффақиятларингиз учун қадаҳ кўтармоқчиман.

• *Муҳокама, мулоҳаза, таклиф* •

ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК ВА ҚОНУН

Ҳозир атроф муҳитини муҳофаза қилиш ва табиий манбалардан оқилона фойдаланиш мустақил Ўзбекистон Республикасининг энг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Экологик инқирознинг кескинлашуви бир асрдан зиёд давр мобайнида табиат қонунларига зид равишда республикамиз хусусиятлари ва иқлим шароитини ҳисобга олмай юритилган нотўғри сиёсат оқибатидир. Иқтисодиётнинг бир ёқлама, хом ашё манбаи сифатида ривожлантирилиши, қишлоқ хўжалигида пахта яккаҳокимлиги, далаларда турли кимёвий ашё (минерал ўғитлар, дориворлар ва бошқа)ларнинг белгиланган миқдордан бир неча баробар ортиқ қўлланилиши, сув манбаларидан хўжасизларча фойдаланиш мисли кутилмаган салбий оқибатларга, яъни чўл майдонларининг кенгайиши, туп-роқнинг ҳаддан ташқари шўрланиб кетиши, унумдорлигининг пасайиши, ҳайвонот ва наботот оламининг таназзулга учраши, ичимли сув таркибининг бузилиши, сув манбаларининг кимёвий ашёлар билан заҳарланишига олиб келди. Шаҳарларда, аҳоли зич жойлашган ҳудудларда экологик жиҳатдан хавфли ва зарарли турли кимё заводлари, саноат корхоналарининг қурилиши атмосфера ҳавосини булғади, мана энди аҳоли соғлиғига путур етмоқда.

Айниқса, Орол денгизи ва Оролбўйи минтақасидаги экологик инқирознинг кескинлашуви аҳоли турмуш даражасининг пасайиши, турли касалликларнинг пайдо бўлиши, иқлимнинг кескин ўзгариши, ичимли сувнинг яроқсиз ҳолга келиши, сув ва ерларнинг ҳаддан зиёд шўрланиб кетиши, экологик тизимларнинг издан чиқиши, бошқа офатларга сабаб бўлмоқда.

Бухоро, Навоий, Самарқанд, Тошкент, Бекобод, Чирчиқ шаҳарларидаги кимё заводлари ва саноат корхоналари атмосфера ҳавоси, ер, сув манбаларини экологик жиҳатдан хавфли ва зарарли чиқиндилар билан заҳарлаяпти, аҳоли ҳаёти ва соғлиғига хавф солмоқда. Қолаверса, республикамизда экологик инқирозни янада кескинлаштирмоқда. Қисқаси — экологик хавф-хатар тобора хуруж қилиб иқтисодиётимиз ва ижтимоий ҳаётимизга катта зарар етказмоқда. Шунинг учун ҳам бугунги кун талаби экологик хавфсизликни таъминлашнинг асосий йўналишларини белгилаш, атроф муҳитига таъсир этувчи омилларни йўқотишга қаратилган сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий восита ва чора-тадбирларнинг ягона механизмини яратишдан иборат. Экологик хавфсизликни (концепциясини) таъминлашнинг иқтисодий ва ҳуқуқий механизми қонунда ўз аксини топиши лозим.

Яқинда матбуотда Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига ҳавола этилди. Унда ер, сув, ўрмон, ерости бойликларидан оқилона фойдаланиш, муҳофаза этиш, атмосфера ҳавоси, ҳайвонот ва наботот дунёсини қўриқлаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишнинг асосий қоидалари белгиланди.

Қонун лойиҳасида табиий манбалардан оқилона фойдаланиш, атроф муҳитини муҳофаза қилиш юзасидан давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг асосий ваколатлари; жумҳурият фуқароларининг экологик ҳуқуқ ва мажбуриятлари; давлат экологик экспертизасининг тутган ўрни, турлари ва вазифалари; саноат, қурилиш, транспорт ва халқ хўжалигининг бош тармоқларида экологик норматив ҳамда стандартларнинг жорий этилиши, атроф муҳити қонунчилигини бузганлиқ учун жавобгарлик турлари ва бошқалар ўз аксини топган. Айниқса, атроф муҳитини муҳофаза қилишни таъминлашнинг иқтисодий чора-тадбирларига кенг ўрин берилган. Қонун лойиҳаси юзасидан айрим таклифларимизни билдирмоқчимиз.

Энг аввало, қонун лойиҳасининг мақсади табиий манбалардан фойдаланиш, қайта тиклаш ва муҳофаза этиш, кишилар соғлиғи ва ҳаётини экологик ҳавфли омиллар, антропоген таъсирлардан муҳофазалаш, экологик хавфсизликни таъминлаш юзасидан келиб чиқадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг асосий қоидаларини белгилашдан иборат. Шунинг учун ҳам қонун лойиҳасининг номини «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида» ўрнига, «Атроф табиий муҳитини муҳофаза қилиш», деб аталса, қонун ўз олдига қўйган мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки атроф табиий муҳити тушунчаси жуда кенг бўлиб, биринчидан, табиий бойликларни, яъни ер, сув, ўрмон, ерости бойликлари, ҳайвонот ва наботот оламини, иккинчидан, табиатга борган сари ўз таъсирини ўтказиб келаётган кишилик жамияти, яъни ижтимоий муҳит ва учинчидан, инсон томонидан бунёд этилган моддий объектларни ўз ичига олади. Бундан ташқари қонун лойиҳасида «табиатни муҳофаза қилиш», «атроф-муҳит муҳофазаси», «атроф табиий муҳит муҳофазаси» ва «экология» каби атамалар қўлланилганки, бу чалкашликларга олиб келади. Шунинг учун фақат кенг тушунчага эга бўлган «атроф табиий муҳити» атамаси қўлланилиши керак.

«Табиатни муҳофаза қилиш объектлари, махсус муҳофаза этиладиган табиат ҳудудлари ва объектлари» деб аталган 2-моддадан «махсус муҳофаза этиладиган табиат ҳудудлари ва объектлари» иборати чиқарилиб, алоҳида боб тарзида ёзилгани маъқул. Чунки махсус муҳофаза этиладиган ҳудудлар ва объектлар, яъни қўриқхона, миллий боғ, заказник, табиат ёдгорликлари, курорт, рекреацион жойлар ва бошқалар табиат муҳофазасининг алоҳида, ўзига хос шакли ҳисобланади. Агар «махсус муҳофаза этиладиган табиат ҳудудлари ва объектлари» алоҳида боб тарзида кўрсатилса, илмий-амалий жиҳатдан тўғри бўлади.

4-модда номи «Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига эришиш» ўрнига «Атроф табиий муҳити муҳофазасиятлари» ўрнига «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг экологик ҳуқуқ ва бурчлари» деб номланиши мақсадга мувофиқ. Чунки қонунчиликда «яшовчилар» деган атама қўлланилмайди.

11-моддада «Яшаш учун мақбул атроф табиий муҳитига эга бўлиш ҳуқуқи» баён этилган, лекин фуқароларнинг ушбу ҳуқуқини амалга ошириш йўллари ва кафолатлари кўрсатилмаган. Бизнингча, бу ҳуқуқ қуйидагича амалга оширилади: атроф муҳити муҳофазасига доир қонун ва норматив актлар муҳокамасида қатнашиш; табиатни муҳофаза этиш жамоа бирлашмаларида қатнашиш; жамоа экологик экспертизасида қатнашиш; экологик таълим олиш ва бошқалар. 12-моддада табиатни муҳофаза қилиш жамоат ташкилотлари фаолиятининг асосий йўналишлари, ҳуқуқлари ва манфаатлари ўз аксини топиши керак.

Атроф табиий муҳити қонунчилигида экологик назорат институтининг тутган ўрни бекиёс. Чунки давлат экологик назорати орқали атроф табиий муҳити қонун-қоидаларининг бажарилишини таъминлайди. Шунинг учун ҳам «Атроф табиий муҳити муҳофазаси бўйича назорат органлари» деб номланган алоҳида боб киритилиши зарур. Ушбу бобда «Атроф табиий муҳити муҳофазаси бўйича назоратнинг мақсади ,вазифалари», «Атроф табиий муҳити муҳофазаси бўйича давлат экологик назорати», «Атроф табиий муҳити муҳофазаси юзасидан жамоат назорати» деб номланган алоҳида моддалар киритилиб, уларнинг асосий йўналишлари, ваколатлари батафсил баён этилса, қонуннинг бажарилиши устидан назорат янада ошишига имкон яратилган бўлар эди.

Шуни таъкидлаб ўтишни истардикки, қонун лойиҳасида энг долзарб масала бўйича, яъни аҳолининг экологик маданияти, онгини оширишга, экологик таълим-тарбияни йўлга қўйиш ва янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар назардан четда қолган. Бизнинг аҳолимиз экологик тарбия олиш, экологик ҳуқуқ-бузарликлар юзасидан ахборот, маълумотга эга бўлиш ва талаб қилиш, экологик жиҳатдан хавфли ва зарарли кимё, саноат корхоналари лойиҳалари юзасидан жамоат экологик экспертизаси ўтказиш ҳуқуқига эгадир. Республикамизда экологик фалокат, офатнинг пайдо бўлиш сабабларидан бири экологик онг, маданият савиясининг пастлиги ва умуман шакллантирилмаганлигидир. Шунинг учун ҳам халқимизнинг атроф табиий муҳитини муҳофаза қилишда фаоллигини оширмасдан туриб экологик инқироздан чиқиб бўлмайди ва, бизнинг фикримизча, «Аҳоли ўртасида экологик тарбия ва таълим», деб номланган боб киритилиб, унда экологик таълим ва тарбиянинг мақсади, амалга ошириш йўллари кўрсатилса, қонун лойиҳасининг ҳаракат доираси янада кенгаяди.

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида бошқа давлатлар билан атроф муҳити муҳофазаси юзасидан шартнома — битимлар тузиб, халқаро алоқаларини кенгайтириб бормоқда. Фикримизча, лойиҳанинг охирги бобида «Ўзбекистон Республикаси атроф табиий муҳити муҳофазаси юзасидан ажнабий юридик шахслар ва фуқаролар ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг мажбуриятлари» деб номланган модда киритилса, қонун лойиҳасининг халқаро аҳамияти ошган бўлур эди.

«Атроф табиий муҳитини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун ер, сув, ўрмон, ерости бойликлари қонунчилиги, ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш, атмосфера ҳавосини муҳофазалаш қонунлари учун ўзига хос ҳуқуқий манба, асос бўлиб хизмат қилади. Ушбу қонун лойиҳасининг аҳамияти шундаки, у тобора хуруж қилиб келаётган экологик хавфни бартараф этиш йўлларининг, яъни экологик хавфсизлик тизимининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий механизмини таъминлайди.

Шунинг учун ҳам қонун лойиҳасининг ҳар банди, моддаси, боблари кенг жамоатчилик, мутахассислар томонидан ҳар томонлама муҳокама этилиши керак. Алоҳида таъкидлашни истардикки, бундан кейин қонун лойиҳалари муқобил тайёрланиши, махсус кўрик орқали бир неча лойиҳалардан ҳар тарафлама пухта ва мукаммал ишлаб чиқилгани танлаб олиниб, унинг муаллифларини, қимматли таклиф ва мулоҳазалар билан иштирок этганларни моддий рағбатлантиришни йўлга қўйиш фурсати етди. Бу тадбир, биринчидан, халқнинг фаоллигини оширади, иккинчидан, қонунларимиз мукаммал ва сифатли бўлиб мустақил Ўзбекистон Республикаси олдида турган ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий муаммоларнинг ҳал этилишига ёрдам беради.

У. БОЗОРОВ,
Тошкент давлат юридик институти экология ва қишлоқ хўжалиги ҳуқуқи кафедрасининг мудири.

Ш. ФАЙЗИЕВ,
Тошкент давлат юридик институти экология ва қишлоқ хўжалиги кафедрасининг тадқиқотчиси.

Банк даъват этади

ҚИШЛОҚҚА МАДАД

Душанба куни Узагросаноатбанк акционерларининг йиллик ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди. Тармоқ жамоаларининг вакиллари (улар орасида Узбекистон халқ депутатларидан 10, маҳаллий кенгашлар депутатларидан 18 нафари, бир академик, фан докторларидан 2 киши қатнашди) банк бошқаруви раиси Абдурафиқ АҲАДОВнинг маърузасини тинглаб қизғин муҳокама қилдилар. Анжуман охирида Узагросаноатбанк тизимига мансуб барча ходимларга мурожаатнома бир овоздан маъқулланди.

— Узагросаноатбанк акционерлари йиғилиши, — дейилади ҳужжатда, —мураккаб вазиятда ўтмоқда. Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритгани халқларимизга ўз қисматларини ўзлари ҳал этиш, ўз ерларига ўзлари хўжайин бўлиш, табиий бойликларига эгалик қилиш имконини берди. Ҳаётимизда маънавий уйғониш бошланди. Ўзбекистон демократик қайта қуриш йўлига кириб келди. Хусусийчилик, тадбиркорлик, ижара, мулкларни давлат тасарруфидан чиқариш тўғрисидаги қонунлар, бозор муносабатига, кўп қиррали иқтисодиётга ўтиш жараёни бошланди. Тадбиркорларга, хўжаликларга иқтисодни эркин ривожлантириш ҳуқуқини берувчи, фермерлар ва шахсий ёрдамчи хўжалик эгаларини қўллаб-қувватловчи фермонлар меҳнат жамоалари, аҳолининг ҳамма қатламлари томонидан мамнуният билан кутиб олинди.

Шунга қарамай, — дея таъкидланади мурожаатда, — иқтисодиётда инқирозий муаммолар чигаллашиб бормоқда, бу эса одамларнинг турмушига ёмон таъсир ўтказмоқда. Уларни жамиятимиздаги бирмунча нотинчликлар, интизомсизликлар, тартибсизликлар, ташвишга солмоқда. Акционерлар йиғилиши қатнашчилари бу оғир аҳволдан республикадаги барча соғлом кучларни бирлаштириш йўли билангина чиқиш мумкин деб ҳисоблайдилар. Фуқаролар осойишталиги ва миллий адолат таъминланмоғи зарур. Фақат шу шароитдагина қишлоқ хўжалиги соҳасида ўзгаришлар бўлиши, аҳолининг турмуш даражаси кўтарилиши мумкин.

Биз раҳбарлар ва мутахассисларни, меҳнат фахрийларини, банк тизимида ишловчи барча ходимларни иқтисодиётни барқарорлаштиришда, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда бутун имкониятларни ишга солишга чақирамиз. Бозор тизими ва силсиласининг таркибий қисми бўлган бизнинг соҳа янги иқтисодий муносабатларнинг ташкил топишида, қишлоқда бир қанча ижтимоий вазифаларни ҳал этишда, хўжалик алоқаларини изчил йўлга қўйишда муҳим ўрин тутадики, бу бизнинг зиммамизга улкан масъулият юклайди.

Ишимиз биздан жавобгарликни чуқур ҳис этишни, юқори малакани, ҳалолликни талаб қилади. Биз банк фаолияти даражасини, унинг иш маданиятини ошириш, кредитмолия муносабатларини такомиллаштириш йўлида куч-ғайратимизни аямай сафарбар қилишимиз керак.

Ҳисобот йили жамоаларимиз учун акционерлик-тижорат фаолиятини яхшилаш, янги шароитда дастлабки тажрибаларни ҳосил қилиш даври бўлди. Сизнинг ҳалол меҳнатингиз, шижоатингиз, ҳамкорлигингиз, бир-бирингизга ўзаро ёрдамингиз туфайли банк ўзининг молиявий ҳолатини, обрў-эътиборини мустаҳкамламоқда. Бугун у республикада етакчи тижорат банкларидан бири ҳисобланадики, бу унга улкан давлат вазифаларини ҳал қилишда, республиканинг молиявий мустақиллигини таъминлашга, иқтисодий алоқаларнинг муваффақиятли ривожланишига ёрдам беради. Бизнинг фаолиятимиз — бу 1,5 мингдан ортиқ акционерлар, агросаноат комплекси ва бошқа тармоқлар вакилларидан иборат 30 мингга яқин мижозлар, ишбилармонлар, хорижий шериклар билан ишлашдир.

Банкимиз 1 миллиард сўмдан ортиқ устав фондига, 20 миллиард сўмлик кредит ҳажмига эга. Бу эса келажакка ишонч билан қарашга умид бағишлайди.

Эришган натижаларимизга танқидий баҳо берадиган бўлсак, —дейилади сўнгра даъватномада, — ривожланиш учун ҳали ҳамма имкониятдан тўласинча фойдалана олганимиз йўқ. Иш шаклари ва усулларини бундан буён такомиллаштириш, кредит ресурсларини оқилона сафарбар қилиш ва улардан ишнинг кўзини билиб фойдаланиш, банк хизмати янги турларини жорий этиш, мижозлар имкониятини ривожлантиришга самарали ёрдам бериш, банк акционерлари манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қилиш ва маблағ билан таъминлаш, унинг даромадини кўпайтириш йўлида ҳали кўп ишларни бажаришимиз керак.

Биринчи навбатдаги вазифа юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, бошқарув тузилмаси силсиласини ва вазифаларини аниқ-пухта белгилаш, банкни бутун дунё миқёсига олиб чиқувчи тенгу кенг шароит яратиш, бозор муносабатида ва рақобат шароитида унинг манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида астойдил ишламоғимиз зарур.

Биз таъсисчилар ва акционерларнинг, Узагросаноатбанк ходимларининг барчасини қишлоқда ижтимоий масалаларни малакали, беминнат ҳал қилишда фаол қатнашишга чақирамиз.

Биринчи навбатда кредитпул маблағлари йўналишини белгилаб олишга, халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришга, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга, маиший хизмат кўрсатишга, уй-жой қурилишига имкон борича кўмак беришга интилишимиз керак. Шунингдек, қишлоқларни газлаштириш ва сувга сероб этиш, давлат дастурини бажариш, бу тадбирларни маблағ билан таъминлаш манбаларини қидириб топиш диққат марказида бўлиши лозим.

Биз хусусий мулкчилик, жумладан ижара ва фермер хўжаликларининг, ишлаб чиқариш кооперативларининг қарор топишига ҳар томонлама ёрдам беришимиз, 2 миллиондан ортиқ шахсий ёрдамчи хўжалик эгаларига хизмат кўрсатиш даражасини оширишимиз керак. Кредит-молия механизми ёрдамида улар фаолиятини рағбатлантириб бориш, фермер хўжалиги ишларидаги янгиликлар, тадбиркорлик асосларини тарғиб қилишимиз, уларга ёрдам қўлини чўзишимиз зарур.

Мурожаатноманинг сўнггида бундай дейилади:

Деҳқон учун энг масъулиятли дамлар — экиш мавсуми яқинлашди. Баҳорги юмушлар — ерга ишлов беришни қисқа муддатда, сифатли олиб боришда қишлоққа ҳар қандай ёрдамимизни аямаслигимиз лозим. Шу мақсадда барча қишлоқ хўжалиги ташкилотларига энг қулай иш шароитларини яратиб беришимиз, уларнинг сўровларига эҳтиёт билан ва аниқ жавоб қайтаришимиз, талаб-эҳтиёжларини қондиришимиз зарур.

Хуллас, қишлоқ иқтисодиётининг самарали изга тушиб кетиши, одамлар турмуш шароитининг яхшиланиб бориши учун бутун куч-ғайратимизни, билимимизни шу ишларга қаратайлик. Акционерлар мажлиси қатнашчилари Узагросаноатбанк ходимлари ўз олдиларига қўйилган вазифаларни замон талаби даражасида ҳал қиладилар, деб ишонч билдирадилар.

Ислом

Жумъа қироатлари

«ОЛЛОҲДАН БОШҚА ИЛОҲ ЙЎҚ» ЖУМЛАСИНИНГ МАЪНОСИ

Энди сиз «илоҳ»нинг кимлигини билиб олишингиз керак. Унинг луғавий маъноси:

1 — маъбуд бўлишга лойиқ. Яъни, улуғлиги, шаънининг буюклиги, мартабасининг юксаклигидан одамлар унга ибодат қилиб, бошларини эгишларига лойиқ.

2 — ниҳоясини билишдан инсоний ақл ҳайратда қоладиган улкан қувватга эга.

3 — ўзи ҳеч кимга муҳтож эмас. Ҳамма эса ҳаётларидаги барча ишларида унга муҳтож, ундан ёрдам сўрашга мажбур.

4 — инсонлардан ғойиб, яъни қуввати кўринмайдиган.

Форсча «худо», ҳиндча «даюто» ва инглизча «говд» сўзлари мана шу «илоҳ» сўзининг синонимларидир. Оламда шунга ўхшаш яна бошқа сўзлар ҳам мавжуд.

«Оллоҳ» сўзи ҳақ таолонинг номидир. «Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқ» жумласининг маъноси Оллоҳ таолодан бошқа ҳеч ким маъбудликка лойиқ эмас, демакдир. Яъни, инсонларнинг ибодат ва сажда қилишларига ундан бошқа ҳеч ким лойиқ эмас. Коинотнинг эгаси ҳам, ҳокими ҳам ўзидир. Ҳамма нарса унга муҳтож, ундан ёрдам сўрашга мажбур. Уни ҳис қилиб бўлмайди. Унинг зотини билишдан инсоний ақл ожиздир.

«ОЛЛОҲДАН БОШҚА ИЛОҲ ЙЎҚ» ЖУМЛАСИНИНГ МОҲИЯТИ

«Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқ» жумласининг маъноси мана шу. Келинг, энди сизга бу жумланинг моҳиятини баён қилиб берайлик.

Қадим замонлардан бери яшаб келаётган башариятнинг ҳолатлари, қадимий ва яқиндаги халқларнинг ёдгорликларидан кўриниб турибдики, инсон қайси замонда бўлмасин, ўзига бир нарсани худо ясаб олиб, унга ибодат қилган. Шунингдек ҳозирда ҳам ер юзининг турли тарафларидаги миллат ва халқларнинг шаҳарлиги ҳам, қишлоқиси ҳам ўзига бир худо ясаб олиб, унга сиғинади. Мана шундан кўриниб турибдики, илоҳ тасаввури инсонда табиий бўлиб, бирор худога сиғинишга ундаб туради. Бунга сабаб нима? Узингизга ва атрофдаги барча одамларга синчиклаб назар солиш билан буни билиб олишингиз мумкин.

Инсон бандалик қилиш учунгина дунёга келган. У табиатан заиф, ожиз, муҳтождир. Ҳаётини сақлаб қолиши учун зарур бўлган қанчалаб нарсалар унинг қўл остида бўлмагани учун, баъзан уларга етади, баъзан эса етолмайди.

Унга фойдали бўлган қанчалаб нарсалар борки, уларни ўзидан ҳосил қилишга интилади. Уларни гоҳо ҳосил қилади, гоҳо эса йўқ.

Унга зарар қиладиган, орзуларини пучга чиқарадиган, ҳаракатларини зое кетказадиган, мусибатлар, машаққатлар, касалликлар келтирадиган қанчалаб нарсалар борки, уларни ўзидан даф қилмоқчи бўлади. Баъзан даф қила олади, баъзан ожиз қолади. Мана шулардан кўриниб турибдики, бирор мусибатнинг тушиши ёки тушмаслиги, уни даф қила олиш ёки қила олмаслик инсоннинг ўз ихтиёрида эмас.

Қанча нарсаларнинг буюклиги, улканлиги инсонни даҳшатга солади. У тоғларга, денгизларга, ваҳший ҳайвонларга, довулларга, тошқин сувларга, вулқонларга назар ташлайди. Унинг кўз ўнгида момақалдироқнинг гулдураши, осмонни қоп-қора булут қоплаши, чақмоқ чақиши, сел қўйиши намоён бўлади. Шу вақтда унинг хаёлига шундай нарсалар келади: инсоннинг кўз ўнгида бу нарсалар нақадар буюк, кучли, ҳайбатли. Уларнинг олдида эса инсон нақадар ожиз, заиф, нотавон.

Мана шундай даҳшатли манзараларга назар солиш, улар қаршисида ўзининг нақадар заифлиги тўғрисида тааммул қилиш натижасида инсоннинг қалбида заифлик ва муҳтожлик туйғуси пайдо бўлади. Шу туйғу унда илоҳ тасаввурини пайдо қилади. Унинг кўз олдида шу нарсаларга эга бўлган иккита қўл гавдаланади. Бу икки қўлнинг буюклигини ҳис этиши, уни уларга ибодат қилиб, бошини эгишга мажбур қилади. Уларнинг фойдали қувватларини сезиб, умид билан ёрдам сўрайди. Зарарли қувватларини ҳис қилиб, қўрқади, ғазабларидан паноҳ тилайди.

Жаҳолатга ботиб қолган инсон кўзи билан кўраётган мана шу нарсаларни қандайдир фойда ёки зарар келтиради, деб ўйлаб, уларни илоҳ деб билади. Шунинг учун ҳам унинг ваҳшийларга, денгизларга, тоғларга, ерга, ўтга, ёмғирга, шамолга, ойга, қуёшга, юлдузларга сиғинаётганини кўрасиз.

Жаҳолат булутлари тарқаб, илм зиёлари нур сочган сари, инсон уларнинг ўзига ўхшаш ожиз, заиф эканлигини идрок қилади. Ўлимнинг олдида энг катта ҳайвон ҳам, энг кичик, заиф ҳашорат ҳам баробар экан. Катта-катта денгизлар ҳам суви қуриб, ҳар хил бўлиб тураркан. Азим тоғларни ҳичкина инсон ҳам йўниб олаверар экан. Ер ҳам ўзича ҳеч нарсани ўстиролмас, балки сувга муҳтож бўларкан. Сувсиз ерлар қуриб, қақраб қоларкан. Сув ҳам осмондан ўзича эмас, балки булутларни бошқарадиган ҳаво ёрдамида тушар экан. Ҳавонинг ҳам одамга фойда ёки зарар келтириши маълум сабабларга боғланар экан. Шунингдек осмондаги қуёш, ой, юлдузлар маълум бир қоидага итоат этиб, ундан қилча ҳам четлай олмас экан. Мана шулардан кейин инсон ҳамма нарсага бир қодир қувват эгалик ва бошчилик қилар экан, деб ўйлайди. Шундай қилиб, инсоннинг ақлида турли хил махфий илоҳларга эътиқод қилиш пайдо бўлиб, ёруғлик, сув, касаллик, соғлиқ, ғўзаллик, ҳунукликларнинг ўзига хос худоси бор, деб ўйлайди ва хаёлий тасаввур билан уларга сиғинади.

Инсондаги маърифат нури зиёдалашган сари, коинотнинг маълум бир қоидага давомли бўйсунаётганини билади. Шамолнинг эсиши, ёмғирнинг ёғиши, фазодаги сайёраларнинг айланиб юриши, фаслларнинг ўзгариши, мева ва экинлар пишишининг умумий бир қонунга бўйсунаётганини кўради. Коинот тартибидаги кўп, хилма-хил қувватлар бирлашиб, ўзаро бир-бирларига ёрдам бераётганига эътибор беради. Бу қонуннинг пухталиги ва мустаҳкамлигидан коинотдаги ҳар бир иш билан унинг сабаби бир вақтда юзага келаётганини англайди. Шунингдек коинотга ва унинг умумий тартибига разм солиш билан мушрик ҳам коинотнинг худоси битталигини тан олиб уни бошқа илоҳларнинг каттаси, ҳокими, раиси деб билади. Унинг ожиз фикрича ҳамма илоҳлар алоҳида-алоҳида бўлиб, ҳар бири ўзича мустақил бўлиб олса, коинот тартибига халал етиб, инқирозга учрайди. Мушрик бу катта илоҳни «Оллоҳ», «бармийшур» ёки «худойи худоягон» деб номлайди. Лекин у кичик илоҳаларга ҳам ибодат қилади. Илоҳийликни дунёвий подшоҳликка ўхшаш деб билади. Дунёдаги подшоҳ мамлакат ишларида вазирлар билан маслаҳат қилиб, уларнинг зиммаларига вазифалар юклаганидек, катта илоҳ ҳам коинот ишларида кичик илоҳлар ёрдами билан иш юритади, деб гумон қилади. Инсон кичик илоҳаларни рози қилмагунча катта илоҳга етолмайди, демак у катта илоҳга етиши учун кичик илоҳаларга ибодат қилиши, сиғиниши, ғазабларидан қўрқиши, мадад сўраши, уларни рози қилиш учун назр ва қурбонликлар қилиши керак деб ўйлайди.

Инсоннинг илми ошган сари, илоҳаларнинг сони камая бошлайди. Нодонлар худо деб ўйлаган нарсалар тўғрисида бирма-бир фикр қилиб, уларнинг худо эмаслигини, балки гарчи бошқа маҳлуқотлардан кучлироқ бўлган, бир маҳлуқ эканини билади. Кейин инсон уларни биринкетин тарк этади, уларга ибодат қилишдан тийилади. Пировардида унинг назарида битта илоҳ қолади. Лекин у шунда ҳам ягона илоҳ тўғрисида жоҳилона фикр юритади. Баъзилар Оллоҳнинг ҳам бизникига ўхшаш жисми бўлиб, бир чеккада инсонларнинг ўзига ибодат ва сажда қилаётганларини томоша қилиб ўтиради, деган хаёлга боришади. Кимлардир худонинг ҳам хотин ва бола-чақаси бўлиб, инсон каби насл қолдиради дейишади. Баъзилар Оллоҳ ерга инсон суратида тушиши мумкин,деб ўйлайди. Яна баъзилар: Оллоҳ коинотни яратиб бўлиб, бир чеккада дам олиб ўтирибди, дейди. Кимлар Оллоҳнинг олдида ҳам азиз-авлиёлар, муқаддас руҳлар шафоат қилади, шунинг учун уларни Оллоҳга етишга восита қилиб олиш керак, деб ўйлайди. Баъзиларнинг хаёлида Оллоҳнинг маълум бир сурати бўлиб, ибодат қилаётганда олдига ўша суратни қўйиб олишни зарур деб билади. Шундай қилиб, инсон Оллоҳнинг ягоналигига эътиқод қилса-да, унинг хаёлига хилма-хил заиф ваҳмлар қолдиғи қолади. Шунинг учун ҳам ширк, куфр ва бошқа жаҳолатдан келиб чиққан гирдобларга ғарқ бўлади.

Бу даражаларнинг энг охиргиси — «Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқ»лигидир. Бу бир илмки, уни ҳақ таоло пайғамбарлар воситаси билан ҳар бир замондаги ва ҳар бир мамлакатдаги бандаларига юборади. Бу илмга аввало Одам алайҳиссалом, кейин Нуҳ, Мусо ва бошқа пайғамбарлар алайҳимуссаломлар, энг охирида пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом муваффақ бўлган. Бу илмга жиҳолат аралашмаган. Юқорида айтиб ўтилган куфр, ширк, бутпарастликка ўхшаш балолар, инсоннинг пайғамбар таълимига бўйсунмаганлигидан, ўзининг ақлу-заковатига таяниб қолганлигидан келиб чиққан. Келинг, энди сизга мана шу қисқагина бўлиб ўз ичига олган асосли ҳақиқатларни ва олий маъноларни баён қилиб берайлик.

1 — энг бирламчи, энг аҳамиятли иш — илоҳликни тасаввур қила билишдир. Улуғ коинотни тушунишдан, унинг бошланишию ниҳоясини идрок қилишдан инсоний ақл ожиз. Унда ҳисобсиз нарсалар яратилган ва яратилмоқда. Кундан-кунга хилма-хил ихтиролар бўлиб, хилма-хил ҳодисалар рўй бераётирки, унинг олдида инсон ақли лол. Мана шундай коинотнинг яратувчиси абадий ҳаёт, ҳар нарсадан беҳожат, ҳар нарсага қодир, хато қилмайдиган донишманд, ҳар нарсадан хабардор, ҳар нарсадан ғолиб, чексиз қувватга эга бўлмоғи лозимдир. Токи коинотдаги ҳар бир нарса ризқини ҳам, ҳаётини ҳам ундан олсин. Айбу нуқсонлардан пок бўлиши керак. Токи ҳеч ким унинг ишига аралаша олмасин.

2 — илоҳликнинг бу сифатлари фақат битта зотдагина мужассамлашмоғи лозим. Уларга иккита зот тўла эга бўлиши мумкин эмас. Зеро, ҳаммадан ғолиб ва ҳаммага ҳоким — фақат битта зот бўлиши мумкин. Шунингдек бу сифатларнинг хилма-хил олиҳаларга тақсимланиши мумкин эмас. Зеро, уларнинг бири олим, бири ҳоким, яна бири розиқ бўлиб, кейин ўзаро бир-бирларига ёрдам бермасалар дунё инқирозга учрайди. Шунингдек, бу сифатлар ундан бунга кўчиб туриши, яъни бир марта илоҳ бўлиб, яна бири иккинчи марта илоҳ бўлиши мумкин эмас. Ўз ҳаётини сақлаб қололмайдиган илоҳ қандай қилиб бошқага ҳаёт бера олади? Қандай қилиб коинотда ҳокимлик, бошқарувчилик қила олади? Ҳақиқатга келсак, инсоннинг илми зиёдалашган сари, бу сифатларга фақат битта зотгина эга бўла олиши мумкинлигини билади.

3 — илоҳликни мана шундай ҳақиқий, умумий тасаввур қилиб олиб коинотга назар ташласангиз, ундаги туйғу ёки билим билан англаш мумкин бўлган ҳеч бир нарса мазкур сифатларга эга эмаслигини биласиз, коинотдаги барча мавжудот ожиз ва муҳтождир. Мустақил бир ҳолатда тура олмайди, балки яхшиланади, ёмонлашади, яшаб ўтади, ўзича хоҳлаган ишини қила олмайди. Устидан жорий қилинган қонунга қарши чиқа олмайди. Унинг ҳолати ўзи илоҳ эмаслигини, илоҳликнинг юқига ҳам эгамаслигини, унга дахли ҳам йўқлигини кўрсатиб турибди. «Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқ» жумласининг маъноси — мана шу.

4 — модомики коинотдаги каттаю кичик ҳар бир нарса илоҳликка эга эмас экан, демак ҳар нарсадан юқорида, илоҳликнинг барча сифатларига ёлғиз ўзи эга бўлган бир зот борлигига иқрор бўлишдан бошқа чора йўқ. Мана шу — «Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқ» жумласининг маъносидир.

Бу буюк илм, комил маърифатдир. Бу тўғрида баҳс юритсангиз, маърифатнинг боши ҳам, охири ҳам мана шу эканини билиб оласиз. Физика, кимё, астрономия, минералогия, биология, зоология, антропология каби коинотнинг моҳияти тўғрисида баҳс юритадиган илмлар ёрдамида диққат билан тадқиқ қилганингиз сари, «Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқ»лигига ишонишингиз, уни тасдиқлашингиз ортаверади. Мана шу тадқиқ жараёнида ушбу муҳим ҳақиқатни инкор қилиш билан коинотдаги ҳеч бир нарсада маъно қолмаслигини ҳашф этасиз.

(Давоми бор).

Давоми. Боши рўзномамизнинг 29 ноябрь, 13, 20, 27 декабрь, 10, 17, 24, 31 январь, 7, 14, 21 февраль сонларида.

ҚАЛБ ФАЛАЖИ

ЕКИ ТЎРАЧИЛИКНИНГ ХУНУК ОҚИБАТЛАРИ ҲАҚИДА

«Халқ соғлиғи — юрт бойлиги». Нақадар мазмунли, маъноли, теран фикр жамланган бу жумлада. Биз уни юзлаб кўчаларга, минглаб бинолар пештоқига, ишхоналарга шиор тариқасида осиб қўйдик. Ҳаётда эса унинг тескарисига амал қилиб келинди. Тани-жонинг соғми, қулдек ишла, бошлиққа эътироз билдирма, ҳақ-ҳуқуқингни талаб этма, сиёсатдан четда юр, эркин фикрлама, фақат қорнингни ўйла. Шундагина сендан яхши одам бўлмайди. Ишга ярамай қолсанг, жимгина четга чиқ. Қўлингдан келса даволан. Нафақа, тўғрироғи садақа тайинлашса шукур қил, агар шуни ҳам раво кўришмаса тишингни тишингга қўйиб чида. Рўзғор, бола-чақа бир гап бўлар. Худо уларнинг ризқини беради.

Очиғи, инсон тақдирига бефарқлик, лоқайдлик, ўзаро муносабатлардаги тошбағирлик шу даражага бориб етганки, бу хусусда чуқурроқ ўйласак, мушоҳада юритсак тепа сочимиз тикка бўлиб кетади. Шундай пайтларда «Ўзинг учун ўл, етим» деган ибора атайлаб биз яшаган социалистик тузум учун ўйлаб топилганга ўхшаб туюлади менга.

Бундан бир неча ой муқаддам рўзномамизга Ғиждувон районидаги «Жилвон—2» боғдорчилик давлат хўжалигида яшовчи Мустафо Ҳайитовдан келган мактуб маълум даражада ана шу мулоҳазаларимизни асослашга, исботлашга (аслида бунга эҳтиёж бўлмасада) хизмат қилади. Қуйида биз сизларни ана шу хатнинг қисқача мазмуни билан таништирамиз.

«Мен 1979 йилнинг 15 февралидан буён шу хўжаликда оддий шофёр бўлиб ишлайман. Қўлдан келгунча ҳалол меҳнат қилдим. Ҳатто фахрий ёрлиқ ҳам олганман. Тақдирмикан ёки пешонамга ёзилган эканми, 1990 йилнинг 6 апрелида тўсатдан оғир бетоб бўлиб қолдим. Район ва вилоят касалхоналарида даволашди. Сўнг Тошкентга юборишди. Етти ой деганда соғайиб уйга қайтдим. Шундан сўнг ишга тушишим мумкинлиги ҳақида ариза ёзиб идорага бордим. Директоримиз Султон Муқимов негадир жуда совуқ қарши олди. У киши «Аризани ёзинг-да, бошқа иш топинг» деб мени хонасидан чиқариб юборди. Шундай изтиробга тушдимки, ҳатто туғилганимга пушаймон бўлиб кетдим. Инсон қадр-қиммати шунчалик ерга урилиб топталадими.

Нажот излаб хўжалик касаба уюшмаси раиси Мустафо Солиевга учрашдим. У эса пинагини ҳам бузмади. Сўнг районга боришга мажбур бўлдим. Минг афсуски, дардимга малҳам бўладиган, менга амалий ёрдам берадиган одам топилмади. Охири, чиқмаган жондан умид дея район судига мурожаат этдим. Бу ерда ҳам икки ой овора қилишди. Бироқ ҳақиқат қарор топмади. Қайта ариза ёзганимдан сўнг 1991 йилнинг 2 июлида яна судга чақиришди. Бу safар хўжалик раҳбари келмаганлиги боис иш яна қолдирилди. Шундан буён сарсон-саргардонман. Оилада етти жонмиз. Бир ярим йилдирки, фарзандларимиз нафақасига кўз тикиб яшаймиз.

Ҳурматли «Халқ сўзи» рўзномаси! Мен энди нима қилай? Нарх-наво кун сайин кўтарилиб бораётган бўлса. Сизлардан ўтиниб сўрайман, менга ёрдам берингларр!».

Дард билан ёзилган ана шу мактубнинг натижаси нима бўлганлигини сизларга маълум қилишдан, унга ўз муносабатимизни билдиришдан олдин ҳаётимизда тез-тез учраб турадиган тўрачиликнинг яна бир тури ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз. Бу қаҳрамонимиз Зарбдор районида жарроҳ бўлиб ишлайди. Уч фарзанди, турмуш ўртоғи ва онаси билан бирга яшайди. Исми шарифи, Мустафо Мавлонов. Келинг, унинг арзи билан ҳам биргаликда танишиб чиқайлик.

«Шу ёшга кириб бирор марта шикоят ёзган эмасман. Лекин менга нисбатан қилинган ноҳақлик туфайли мана беш йилдирки, идорама-идора юришга мажбур бўлдим. Асли воқеа район ижроия комитетининг 1987 йил 3 февралдаги 15-р-сонли фармойишидан бошланди. Унга мувофиқ саккиз кишига енгил автомашина ажратилганди. Улар орасида мен ҳам бор эдим. Орадан бор-йўғи беш ой ўтгач ижроқомнинг ўша пайтдаги янги раиси М. Хамидов (ҳозир собиқ) ҳеч қандай асоссиз юқоридаги фармойишни бекор қилди. Устига устак бу ҳақда бизга на оғзаки, на ёзма равишда хабар беришмади. Ажабланарлиси шундаки, бекор қилинган фармойиш рўйхатида турган олти киши қандайдир йўллар билан машиналик бўлиб олишди. «Камбағални туянинг устида ит қопар» дегани шу бўлса керак. Ўшандан буён ёзишмани тўхтатганим йўқ. Райондан вилоятга, у ердан яна орқага копток бўлиб бориб келавердим. Ниҳоят катталардан бири саховатпешалик қилди шекилли, 1991 йилнинг 15 сентябрида расмий жавоб олдим. Унда маълум қилинишича, 273-бўлиб енгил машина олувчилар рўйхатига киритилибман. Инсонни таҳқирлашнинг бундан хунук йўли бўлмаса керак. Ахир менинг барча шикоятларим 15-р-сонли фармойишнинг асоссиз бекор қилинганлиги ҳақида эдику. Аслида кичкинагина стол эгасидан энг каттасигача бориб фақат адолатсизлик, хўрлик кўрган киши жамиятимизда борлигига, унинг тантана қилишига ишонмай қўярди. Негадир менинг чекингим кемади. Ва ниҳоят беш йиллик юғур-юғурлардан сўнг, яъни 1992 йилнинг 22 январида ҳақ қарор топди. Юқоридаги фармойиш асоссиз бекор қилинганлиги ҳақида ижроком раисидан расмий хат олдим.

Қорнимга эмас, қадримга йиғлайман. Бир кишининг масъулиятсизлиги, тўрачилиги, қандайдир манфаат йўлида инсон тақдирини бир чақага олмаслиги оқибатида шунча овора бўлдим. Бугунги кунда эса енгил машина олишга қурбим етармикин? Эсиз беҳуда кетган вақтларим, ўтган умрим. Бунинг учун ким жавоб беради?».

Дарҳақиқат, ким? Айбдор борми? Умуман бизнинг жамиятимизда чуқур ўйламасдан бирон бир ҳужжатга имзо қўйиб, минглаб кишиларнинг сарсон бўлишларига, баъзи ҳолларда давлатнинг миллион сўмлаб маблағининг беҳуда сарфланишига йўл қўйиб келинганлиги, пировардида эса айбдорларнинг топилмаслиги одатий ҳолга айланганди. Бу ҳеч кимга сир эмас. Юқоридаги воқеа ҳам ана шунинг кичик бир акси, холос.

Ҳозир М. Хамидов бирон бир раҳбарлик курсисини эгаллаб ўтиргандир балки. Унинг беш йил олдин содир бўлган воқеа — оддий жарроҳнинг ташвишлари билан неча пуллик иш бор! Биз ана шундай яшаб келдик ва яшамоқдамиз. Ахир кўп жойларда арзгўйнинг кўзига эмас, қўлига қарашлари ҳам оддий ҳақиқат-ку. Яқингача ё зари, ёки зўри бўлганларнинг куни туғиб келди. Бошқалар-чи?...

Энди яна М. Ҳайитовнинг арзига қайтайлик. У кишининг рўзномамизга ёзган мактуби ижобий ҳал этилди. Бухоро вилояти судининг раиси Б. Алимов юборган расмий маълумотга кўра у ўз ишига тикланган. Бекор юрган кунлари учун 1.796 сум пул хўжалик маъмуриятидан ундириб берилган. Меҳнат қонунлари талабларини бузганлиги учун давлат хўжалиги директори С. Муқимовга нисбатан хусусий ажрим чиқарилган.

Лекин бизни бошқа нарса ўйлантиради. Наҳотки ўша ҳудуддаги бирон бир раҳбарнинг хаёлига бир ярим йилдан буён бу кишининг тирикчилиги қандай кечди экан, деган фикр келмаган бўлса? Арзимас ишни ҳал қилиш учун уни салкам икки йил сарсон қилиш шартмиди? Ахир у раҳбарликни даъво қилмаяптику. Шофёрликни, машинасининг рулини, бола-чақасининг ризқини, оддийгина ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя этишни илтижо қилаяпти. Нақадар тошбағирлик! Қолаверса, М. Ҳайитовнинг кўзлари мўлтиллаб, илинж билан катта-кичик раҳбарларни кутишга кетган кунларига, қақшаган асабларига ачинади киши.

Жумҳуриятимизда совет тузуми даврида шаклланган тўрачиликка қачон барҳам берилади?

Тўғриси, инсон илинж, умид, келажакка ишонч билан яшайди. Қолаверса, замон, давр, ҳаёт ўзгармоқда. Ўзбекистон мустақиллик сари дадил одимлаяпти. Мен шу ўлканинг бир фуқароси сифатида инсон меҳнати, ҳақ-ҳуқуқи қадрланадиган кунлар келишига ишонаман. Акс ҳолда кураштан, яшашдан мақсад нима?

Йўлдош ИСМОИЛОВ,
«Халқ сўзи» рўзномасининг хатлар, шикоятлар ва оммавий ишлар бўлими муҳаррири.

Водийларни ёғ кезганда...

АКЦИОНЕРЛАР ДЎКОНИ

УРГАНЧ марказий универсал универсал дўкони ходимлари савдо маҳсулотларга кўз тикиб ўтирмайдиган бўлишди. Улар тўғридан-тўғри корхоналар билан шартнома тузиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Универсал дўконнинг акционерлик жамияти мақомини олганлиги бундай тадбиркорликка имкон яратди.

Ҳозир «Урганч марказий универсал дўкони» акционерлик жамиятида 200 дан зиёд сотувчи ишламоқда. Уларнинг ҳар бири минг сўмликдан йигирма минг сўмликкача акцияларнинг эгаси бўлдилар. Бу хайрли тадбир савдо дўконларида маҳсулотнинг сероблигидан ташқари унинг арзон бўлишини ҳам таъминлайди.

М. ХОЛМАТОВА.

* * *

СУМАЛАК САЙЛИ

✦ РИШТОН районидаги Амиробод қишлоғида яшовчи 63 ёшли Кенжаҳон ая Фозилова хонадонида Фарғона вилоятида биринчи бўлиб сумалак пиширилди. Эрта тонгдан бошланган сумалак сайли тунга қадар давом этди. Кўкламнинг бу хуштам таоми етилгач, уни биринчи бўлиб қишлоқдаги «Наврўз» болалар боғчасида тарбияланаётган кичкинтойлар татиб кўришди.

* * *

АСАБЛАР БУЗИЛМАЙДИ

ЯНВАРЬ ойининг охирида навоийлик йўловчилар «коммунизм» нафасини сезгандай бўлдилар. Энди шаҳарда қатновчи автобус ҳайдовчилари «паттага узатинглар» деб бақирмайдилар, эшик олдида туриб йўловчилар чўнтагини қоқмайдилар. Бу — Навоий шаҳар транспорт хизматида биринчи тажриба. Йўлкира ҳақлари шаҳарликларнинг иш жойидан ушланиб қолинади. Агар ушбу тажриба самара берса, йўловчилар чўнтак кавламайдилар, асаблари бузилмайдиган бўлади.

Маҳмуд МАРДИ.

• СПОРТ •

● САМАРҚАНДДА биллярд бўйича Ўзбекистон чемпионати ўтказилди. Унда мезбонлардан ташқари Тошкент шаҳри ва вилояти, Қашқадарё, Сирдарёдан келган 24 иштирокчи қатнашди. 11 партиядан иборат финал баҳсида Осиё кубоги совриндори тошкентлик темирйўл ходими Султонхўжа Маъруфхўжаев билан Тошкент вилояти вакили Вали Ражабовлар учрашдилар. Кескин курашда ҳар икки томон ҳам бўш келмади. Ўн партиядан сўнг 6:4 ҳисобида Султонхўжа Маъруфхўжаевнинг қўли баланд келди.

«Синтез» кичик корхонаси ва «Марс» ширкати ғолиблар учун соврин таъсис этишганди. Қимматбаҳо совғалар ва соврин эгаларига топширилди.

* * *

● ХАЛҚАРО тэквандо федерацияси Президенти IX ДАН соҳиби Чой Хон Хин маслаҳати билан бундан бир ярим йил аввал Тошкентда клуб ташкил этилганди. Яқинда Чой Хон Хин пойтахтимизга ташриф буюриб, бу спорт тури бўйича амалий семинар-машғулотлар ўтказди. Машғулотларда иштирок этган қора белбоғли, II, III ДАН соҳиблари маҳоратларини намойиш этишди. Президент семинар-машғулот давомида ўзбекистонлик спортчилар маҳорати билан танишди. Уларга қимматли маслаҳатлар берди. Кейинги ДАН учун ўзлаштирилиши лозим бўлган машқларни кўрсатди.

У Тошкент клубидан кучли тэквандо усталари етишиб чиқаётганлигидан мамнунлигини таъкидлади.

Ўзбекистон тэквандочилари шу йилнинг сентябрь ойида Пхеньянда бўладиган жаҳон чемпионатида қатнашиб, совринли ўринларни эгалласалар ажаб эмас.

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР !

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ЖУМҲУРИЯТ УҚУВЧИЛАР САРОЙИ

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

1992 йил 2 март, душанба куни соат 15.00 да

СССР халқ артисткаси, СССР ва Ҳамза номли Ўзбекистон давлат мукофотларининг совриндори, машҳур раққоса ва балетмейстер

МУҚАРРАМА ТУРҒУНБОЕВАнинг

80 йиллиги ва мустақил Ўзбекистонимизнинг яқинлашиб келаётган анъанавий Наврўз байрами олдидан

«ЧАМАН»

ўзбек болалар фольклор-этнография-рақс дастасининг

ҲИСОБОТ КОНЦЕРТИ:

РАҚСЛАР БАЙРАМИ

Дастурда: ЎЗБЕК, ТОЖИК, АФҒОН ХАЛҚЛАРИНИНГ МАФТУНКОР РАҚСЛАРИ, ҚУЙ ВА ФОЛЬКЛОР ҚУШИҚЛАРИ ИЖРО ЭТИЛАДИ.

ҚАТНАШАДИЛАР:

Тўғарак раҳбари, халқ ижодиёти Бутуниттифоқ фестивалининг совриндори, хонанда **Суннатилла ҚУЧҚОРОВ.**

ЯККАХОНЛАР:

Феруза ОДИЛОВА, Муқаддам ҲАКИМОВА, Санобар АҲМЕДОВА, Матлуба ИСАЕВА, Муҳайё ҲОЖИМУРОДОВА, Зулхумор ҚАДАМБОЕВА, Азиза ХУЖАЕВА, Анвар ҒАНИЕВ ва бошқалар.

(Ижодий жамоа 80 нафар раққоса, хонанда ва созандалардан иборат).

Созандалар ансамблида: Собир ЮСУПОВ, Собир АБДУЛЛАЕВ, Ҳуснидцин ва Дилшод ҚАМОЛОВЛАР, Дониёр ЖАББОРОВ, Отабек ҒАФУРОВ, Равшан УМАРОВ, Ғофир СУЛАЙМОНОВ ва бошқалар.

Концерт дастурини Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артистка

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА

олиб боради.

«Чаман» дастасининг бадиий раҳбари ва балетмейстери, Ўзбекистон Республикаси мусиқа жамияти аъзоси, маданият ходимлари аълочиси

Азим АЗИЗОВ.

Республика ўқувчилар саройининг бошлиғи, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими

О. Ж. ИБРОҲИМОВА.

Театр фойесида турли хил дўконлар ишлайди.

Бугунги оғир иқтисодий шароитни ҳисобга олиб, нархи арзонлаштирилган билетлар Ҳамза театри кассаларида ва Тошкент шаҳридаги одамлар гавжум жойларда сотилмоқда.

Маълумот учун телефонлар: 45-02-53, 45-04-44, 44-35-42, 44-18-60.

БОШ МУҲАРРИР Аҳмаджон МУҲТОРОВ.

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри Ленинград кўчаси, 19-уй

Телефонлар: 32-07-94, 33-07-48, 33-10-60. Эълонлар бўлими: 32-09-25.

Индекс: 64608. Буюртма № 217. 100000 нусхада чоп этилади.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. Тошкент шаҳри 700083, Ленинград кўчаси, 32-уй. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди: 24.00.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12